**Боши биринчи бетда.**

Турли вилоятлардан келган икки юздан ортиқ ўқувчи ва мураббийлар жойлашган талабалар турар жойида ёш спортчилар билан учрашув бўлди. Бинонинг биринчи қавати ўқувчиларнинг маданий тадбирлари учун ажратилган экан. Интернетга уланган компьютерлар, бадиий ва ҳужжатли филмлар, те-



лекўрсатувлар улар хизматида. "Бундан ташқари, беллашувлардан бўш чоғлари мусобақа қатнашчиларини Қарши ва Шаҳрисабзнинг тарихий-меъморий обидалари билан ҳам таништираяпмиз", дейди тартиб-интизом бўйича масъул Исроил Тўхтамишев.

"Умид ниҳоллари — 2006" мусобақалари учун махсус қурилган маҳобатли спорт иншоотлари билан танишув эса янада мароқли бўлди. Олимпия захиралари коллежи ва унинг ҳар икки томонида бунёд этилган спорт манежи ҳамда усти ёпиқ сузиш ҳавзаси, бу иншоотлар қамраб олган ўн олти гектарлик ҳудуддаги турфа замонавий спорт мажмуалари, уларга ёнма-ён ягона меъморий ансамбл тарзида қурилган йигирма минг ўринли улкан стадион бир ҳайратингизга ўн ҳайрат қўшади. Бу иншоотлар билан танишаётиб, Президентимизнинг "Мана шундай замонавий стадионлар, улкан спорт мажмуаларини барпо этган қўли гул қурувчилар, пудратчи ташкилотлар, саховатли ҳомийларга, бутун Қашқадарё аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман", деган сўзлари нақадар теран мазмун-моҳиятга эгалигини ҳис этасиз.

Кўҳна Насафнинг ана шу янги спорт саройларини Америкага кўп бор сафар қилган меҳмонлардан бири "чинакам мўъжиза" деб, бошқа бир ижодкоримиз эса "миллат келажаги учун ғамхўрликнинг олий нишонаси" деб баҳолади. Тасаввур этинг: гоҳо ҳарорат эллик даражага қадар етадиган, саратоннинг зўридан нафас олиб бўлмайдиган лаҳзаларда фарзандларимиз салқин шабада уфуриб турган сузиш ҳавзалари сари интилса, яна шундай улкан залларда эрта тонгдан ярим тунга қадар спортнинг истаган тури билан шуғулланса, бир-бирини тўлдирувчи уч босқичли спорт беллашувларида қатъият билан қатнашиш учун ўз иқтидорларини камолга етказишнинг замонавий шарт-шароитлардан фойдаланса — миллат фарзандларининг камолоти учун бундан ортиқ имкониятни орзу қилиб бўладими? Эҳтимол, бу ғамхўрликларга тобора кўникиб бораётган эндиги ёшларимиз бир вақтлар ўз ота-оналари улғайган даврларда бунақа шароитлар мутлақо бўлмаганини тасаввур ҳам эта олмаслар. Бу имкониятларнинг ҳаммаси ҳурриятимиз самараси, миллат равнақи учун қатъият ва изчиллик билан амалга оширилаётган ғамхўрликлар маҳсулидир.

# УМИДИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

Ҳа, ҳурриятга қадар бизнинг миллат фарзандлари учун бундай шароитлар умуман раво кўрилмас, уларга фақат "пахта қуллари" сифатида қараларди. Фақат пойтахтда, унинг ҳам тубжой аҳоли яшамайдиган жойларидагина бир-икки спорт иншооти бўлар, унинг ҳузурини эса бошқалар кўрарди. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг нуфузли спорт майдонларида миллатимиз ўғил-қизларининг номи деярли тилга олинмасди. Бугун эса пойтахту вилоят марказларидагина эмас, туманлар, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам болалар спортининг кенг ёйилишига катта эътибор қаратилмоқда. "Умид ниҳоллари — 2006" спорт ўйинларининг қатнашчиси бўлган ва уни ойнаи жаҳон орқали кузатган ҳар бир ватандошимиз бу ҳақда ўйламаслиги ва бундан ифтихор қилмаслиги мумкин эмас.

5 май куни кўҳна Насафга шукуҳли оқшом чўкди. Шаҳар камалакранг чироқлар маржонидангина эмас, йигирма минг кишини ўз бағрига олган янги марказий стадионда бошланаётган катта байрам — "Умид ниҳоллари" ўйинларининг тантанали очилиш лаҳзаларида янада улуғвор қиёфа касб этди. Мамлакатнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган ёш спортчилар, мураббийлар ва меҳмонларни Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниев қутлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Стадион узра давлатимиз мадҳияси янграб, қуёш ҳароратидан аланга олдирилган машъала порлади. Анжуман байроғи ҳилпиради. Ёшлик ва навқиронлик, бахт ва иқбол, Ватан ва истиқлолни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Самога чўл юлдузлари янглиғ ранг-баранг мушаклар гулдастаси сочилди.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов "Қарши қўшиғи"да жўшиб куйлаганидек:

**Ҳар недан гўзалроқдир**
**балки чўл кечалари,**
**Уфқлар кафтдек равон,**
**кўк сочган бор бисотин.**
**Термулсанг кўрингайдир**
**жаннатнинг гўшалари,**
**Юлдузлар чуғурлашиб**
**сўйлашар тафсилотин.**

Бундай гўзал манзараларни, улкан издиҳом тантаналарини ойнаижаҳон орқали бутун мамлакат, интернет сайтлари орқали йигирмадан ортиқ давлатларнинг мухлислари томоша қилдилар. Улар ўша лаҳзалардаёқ анжуман матбуот марказига табрик йўллашиб, ўз таассуротларини ифода этдилар...

* * *

Спорт ўйинлари қатнашчилари учун Қарши педагогика коллежида ҳам энг замонавий шароитлар яратилганининг гувоҳи бўлдик. Меҳмонхоналардек жиҳозланган икки-уч ўринли хоналар футбол бўйича беллашгани келган юздан ортиқ ўқувчиларга ажратилган экан. Шу жойда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси раҳбари Давронбек Миртожиевни учратдик. У мусобақа қатнашчилари учун ташкил этилаётган маданий тадбирлардан мамнун эканлигини изҳор этиб, "Бугун биз учун ҳақиқий байрам бўлди" деди. Оқшом чоғи талабалар турар жойи ҳовлисидаги мўъжаз ёзги клуб ўқувчи ва мураббийлар билан тўлди. Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов зўр ҳаяжон ва иштиёқ билан майдонларга бел боғлаб тушаётган ёшларни қутлар экан: "Табиатан ҳеч бир фарзанд бирор истеъдодсиз туғилмайди, — деди. — Бироқ ҳар қандай истеъдоднинг камолга етмоғи учун, аввало, зарур шароит ва маънавий муҳит бўлмоғи шарт. Истиқлол йилларида бу борада Ватанимиз ёшлари учун яратилаётган имкониятлар ҳамманинг кўз ўнгида. Истеъдодлар, ноёб иқтидор эгаларининг бош ҳомийси Президентдир". Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, вилоят "Нуроний" жамғармаси раҳбари Январ Иноятов, "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири Минҳожиддин Мирзо, шоирлар Исмоил Тўхтамишев, Икром Отамурод, Баҳром Маҳмудов, Нилуфар Умарова, Бўритош Носирова, коллеж раҳбари Рустам Ражабов ва бошқалар дил сўзлари ва шеърлари билан ёш спортчилар кўнглига завқ ва сурур бағишладилар. Халқ таълими вазирлигининг бошқарма бошлиғи, шоир Ҳумоюн Акбаров эса анжуман руҳини қуйидаги мисралар орқали ифода этди:



**Бобосининг этагин тутган**
**Болаликка қайтиш эди бу...**
**Бир оила —**
**бир тўкис Ватан**
**Эҳ, қанчалар муқаддас туйғу.**

**Қайтиш эди —**
**Бу улуғ сафар,**
**Ўз сўз қайтди ўзин дилига.**
**Чарақлади юлдузи ахтар,**
**Карвон қайтди**
**Ипак йўлига.**

**Етти иқлим аҳлини чорлар,**
**Темурийлар тортган наъраси,**
**Қутлар букун сени ёронлар**
**Эй, қадимий Насаф қалъаси.**

**Алпомишдай бағринг кезаман**
**Боболарнинг бордир далдаси.**
**Момоларнинг меҳрин сезаман —**
**Нафасингдан**
**Насаф қалъаси.**

Кураш бўйича беллашув қатнашчилари жойлашган Қарши маданият коллежи талабалар турар жойида ҳам шундай учрашув бўлди. Бу тадбирда Қорақалпоғистон халқ таълими вазири Бекдулла Султонов иштирок этди... Ниҳоят тўрт кун давом этган "Умид ниҳоллари — 2006" ўйинлари якунланиб, ғолиблар ва совриндорлар, барча иштирокчилар 8 май куни яна шаҳардаги марказий стадионга тўпландилар. Спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашувларда умумжамоа ҳисобида энг кўп медал ва бал тўплаган Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, Қашқадарё вилояти ёшлари иккинчи, Фарғона вилояти терма жамоаси эса учинчи ўринга муваффақ бўлдилар. Уларга Президент совғалари, "Дамас" автомобиллари топширилди. Барча спорт турлари бўйича ўз



истеъдод ва маҳоратларини намойиш этган ғолиблар ҳам компьютер ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ҳаяжонли мусиқа садолари янграб, "Умид ниҳоллари — 2006" спорт ўйинлари байроғи туширилди. 2009 йили навбатдаги мусобақалар ўтадиган Сирдарё вилояти вакиллари қашқадарёлик ёшлардан эстафетани қабул қилиб олдилар. Стадион узра бахт ва эзгуликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Фарзандларимиз иродасини тоблаб, улар ҳаётида ёрқин из қолдирган спорт байрами якунланган бўлса-да, минг-минглаб қалбларда Ватанга муносиб бўлмоқлик сабоқлари давом этаётир. Улкан давраларда ўз иқтидор ва маҳоратларини намоён этиб, ота-оналари бошлаган эзгу ишларнинг давомчилари бўлишга қасамёд этган Умид ниҳолларига халқимиз таянчи ва суянчи бўлиш бахти ҳамиша ёр бўлсин, деймиз.

**М.АБДУЛЛАЕВ**

# АБДУЛЛА ҚАҲҲОР КУТУБХОНАСИ

Ижодкорлик даъвосида қўлига қалам олган инсон йўкки, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарларини ўқимаган, ўрганмаган бўлса. Халқимиз бундай буюк адиблар номини эъзоз билан тилга олади, фахрланади. Бир неча йиллардан бери уларнинг уй-музейлари миллатимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.



Абдулла Қаҳҳор уй-музейи пойтахтнинг энг кўркам ва гавжум марказий қисмида жойлашган. У ёзувчининг рафиқаси Кибриё Қаҳҳорова ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан адиб умрининг сўнгги ўн йилида яшаб ижод этган икки қаватли бинода ташкил этилган. Музейдаги барча буюмлар, жиҳозларни ёзувчининг ҳаётлик чоғида қандай бўлса шу ҳолича сақлашга ҳаракат қилинмоқда. Бу ерга келувчи зиёратчиларда, айниқса, Қаҳҳор кутубхонаси ўзгача таассурот қолдиради. Бу бежиз эмас, албатта. Кутубхонада сақланаётган китобларнинг умумий сони тўрт мингга яқин бўлиб, уларнинг деярли барчасини адибнинг ўзи жамлаган.

Қаҳҳор кутубхонасида ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиёти намуналарининг ноёб нусхалари, XIX асрнинг иккинчи чорагида Москва ва Санкт-Петербургда чоп этилган қадимий китоблар мавжуд. Уларнинг аксариятини ёзувчи «Сароб» романи билан ёш қаламкашлар конкурсида ғолиб чиқиб, собиқ иттифоқ бўйлаб қилган сафари чоғида олиб келган. Бу ҳақда адибнинг ўзи шундай ёзади: «Москвадаги эски китоблар магазинини хўп айланиб, шу кунгача қайси бир ёзувчини татиб кўрган бўлсам, тўла асарлар тўпламини сотиб олишга ҳаракат қилдим. Бунга қисман эришиб, Толстой, Чехов, Гоголь, Тургенов, Лермонтов, Достоевский, Писарев, Белинский, Горький, Ж.Лондонларнинг асарларидан иборат олти яшик китоб билан қайтдим. Шундан кейин рус адабиёти дарёсига шўнғиб кетдим. Бу вақтларда мен ҳар бир ёзувчини чуқурроқ ўрганишга, унинг мартабасини улуғ, асарларини гўзал қилган сирлардан воқиф бўлишга киришдим. Шу мақсад билан ишни Чеховдан бошладим... Чеховдан кейин Толстой билан жиддий шуғулландим. Рус классикларини ҳазм қилганимдан кейин Ғарб адабиёти билан шуғулландим».

Кутубхонада Шекспир, Эмиль Золя, Вальтер Скотт, Марк Твен, Т.Драйзер, Ромен Роллан, Ч.Диккенс, Стендаль, Ж.Верн ва бошқа машҳур чет эл адабиёти вакилларининг турли даврларда нашр этилган кўп томли асарлари тўплами бир неча юз китобни ташкил этади.

Қаҳҳорнинг ёш ёзувчи ва шоирларга ғамхўрлиги, уларнинг ижодини куюнчаклик билан кузатиб бориб, ҳар бир янги асарни диққат билан ўқигани, эринмай муаллифга мактуб ёзганлиги, камчилик ва ютуқларини таъкидлаб, қимматли маслаҳатлар берганлиги, керак бўлса ноҳақ танқидлардан ҳимоя қилганини кўпчилик эътироф этади. Шу сабабли ёш қаламкашлар биринчи китобларини устоз назаридан ўтказиб олишга ҳаракат қилганлар. Кутубхонадаги жавонлардан бири ана шундай шогирдларнинг китоблари учун ажратилган бўлиб, уларнинг барчасида муаллифларнинг дил сўзлари, дастхатлари битилган. 1965 йилда нашр этилган «Уфқ» китобининг биринчи саҳифасида шундай сўзлар бор: «Ҳурматли Абдулла ака! Биринчи катта китобим шу. Уришиб-уришиб ўқиб чиқарсиз деган умиддаман. Эҳтиром ила шогирдингиз Саид Аҳмад». Пиримқул Қодиров «Студентлар» китобчасини тақдим этаётиб шундай ёзган экан: «Абдулла ака! Агар ўзбек адабиёти бир денгиз бўлса, сиз шу денгизда сузаётган кемалардан бирининг капитанисиз-у, мен энди унга қадам қўяётган юнгаман. Бу китобча юнгаликдан матросликка ўтиш учун берилган имтиҳонлардан бири. Юнга капитаннинг баҳосини қандай ҳаяжон билан кутса, мен ҳам сизнинг баҳонгизни шундай ҳаяжон билан кутаман. Йиллар давомида берган сабоқларингиз учун чексиз миннатдорчилик билан П.Қодиров».

Қаҳҳор ижодкорнинг фақат ўз қобиғига, ўз соҳасига ўралиб қолишини қоралар эди. У ёзувчининг яратилажак асари ва қаҳрамони турли соҳа, турли касбдаги одамлар бўлиши мумкинлигини доимо эътиборда тутган. Асарнинг жонли ва ҳаётий чиқиши учун эса асар қаҳрамонининг ишидан, касбу коридан яхши хабардор бўлиш зарур деб ҳисоблаган. Шунинг учун унинг кутубхонасида нафақат адабиёт ва санъатга, балки медицина, сиёсат, фалсафа, тарих, география, техника ва ҳатто пазандачиликка оид китоблар ҳам талайгина. Турли тилларнинг изоҳли луғатлари ва икки тилли луғатларнинг кўплиги адибнинг тилшуносликка ҳам катта қизиқиш билан қараганлигини кўрсатади.

Қаҳҳорнинг илк китобларидан тортиб бугунги кунгача турли йилларда чоп этилган китобларининг нашрлари, қардош халқлар ва чет тилларда чиққан асарлари, адиб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий-танқидий ишлар, хотиралар алоҳида жавонда сақланади.

Уй-музей кутубхонасига буюк адибга бўлган ҳурмат-эҳтиромлари нишонаси сифатида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар ўзларининг янги чиққан китобларини совға қиладилар. 2004 йилда Озод Шарафиддинов «Ижодни англаш бахти» китобини қуйидаги дастхат билан совға қилган эдилар: «Буюк адиб Абдулла Қаҳҳор уй-музейига! Бу китобга устознинг кўп меҳнатлари сингган. Бугун уни кўриб устознинг руҳи шод бўлсин».

Бугунги кунда Абдулла Қаҳҳор йиққан китоблар фақат томоша учун қўйилган экспонатлар эмас. Ҳар йили музей кутубхонасидаги китоблардан мактаб, коллеж, олий ўқув юртларининг бир неча ўқувчи ва талабалари, илмий изланишлар олиб бораётган магистр, аспирант ва докторантларга маълум тартиб асосида фойдаланиш учун рухсат берилади. Ёзувчининг китоблари ҳали яна кўплаб авлодларга хизмат қилади, деган умиддамиз.

**Нодира ЖАЛОЛОВА,**
**Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори,**
**Шаҳноза ЭРГАШЕВА,**
**катта илмий ходим**

# МУСИҚА ОҒУШИДА

***Ўзбекистон Ёшлар театрида Япониянинг «Excelsior» торли квартети концертлари муваффақият билан ўтди. 1994 йили ташкил этилган бу квартетнинг барча қатнашчилари Тохо Такуэн мусиқа мактаби битирувчиларидир. 1996 йили гуруҳ Токиода ўтган биринчи камер мусиқаси танловида Бош совринни қўлга киритган бўлса, Осакадаги халқаро Камер мусиқа танловида иккинчи ўринни олди. Шундан кейин ҳам квартет бир неча халқаро танловларда юксак натижаларни қўлга киритди. 2001 йилдан бошлаб гуруҳ Японияда ва чет мамлакатларда концертлар бера бошлади. Юртимиздаги концертлари олдидан улар билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.***

**— Жамоангизни бирлаштирган омил ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Энг асосийси, биз тўрт кишимиз ва тўртталамиз ягона бир вужуддек ишлаймиз. Ҳар куни кўришамиз ва ҳеч қачон бир-биримиздан зерикмаймиз. Шу билан бирга, ҳар биримизнинг оиламиз, ўз ташвишу қувончларимиз ҳам бор.

**— Талабаларимиз иштирокидаги маҳорат дарслари қандай ўтди?**

— Яхши бўлди. Мусиқачилик касбини танлаган бу болаларнинг барчасида катта имкониятлар бор. Уларга топширган вазифамизни кўнгилдагидек бажаришди. Бу Тору Такемицунинг асари эканини назарда тутадиган бўлсак, улар қўлга киритган натижа ёмон эмас. Такемицу мусиқасини ўзларича тушунганларига қарамай, маслаҳатларимизга амал қилиб, бу мусиқа қандай янграши зарур бўлса, шундай чиқишига ҳаракат қилишган.

**— «Замонавий мусиқа» атамасини қандай изоҳлаган бўлардингиз?**

— Замонавий мусиқа янги имкониятлар очиб беради, аниқроқ айтганда, мусиқада янгилик яратиш, эски қолипларни парчалаб, мусиқани эркинликка олиб чиқиш имконини беради.

**— Ижодий ниятларингиз билан таништирсангиз.**

— Очиғи, бу ниятимизни амалга ошириш анча мушкул. Шундай бўлса-да, буюк композитор Йозеф Гайдннинг гўзал асарларини ижро этиш ниятимиз бор. Шунингдек, ҳамиша ўз мухлисларимиз бўлишини истаймиз.

**Пётр АН**

*Мулоҳаза учун мавзу*

# ВАТАННИНГ МУЛКИДИР ҲАТТО БИР ГИЁҲ...

Ҳар гал «Икки дарё оралиғида» кўрсатуви эфирда намойиш этилгандан сўнг, бир гапни эшитаман: жонингизни гаровга қўйиб, шу ғорга киришингиз шартмиди? Шунда мен тинчлигимни ўйлаб, терғаб қўйишни ўзига лозим кўрган ҳамкасбимга синчков тикиламан. Унинг нигоҳларидаги лоқайдлик мени ташвишга солади. Биз фахр ва ифтихор билан кўтариб чиққан мавзу эмас, экспедиция қийинчиликлари — биз тортган азоблар, бошимиз узра муаллақ осилиб турган тошларнинг қулаш хавфи кўпроқ диққатини тортган. Ҳолбуки, экспедициядан мақсад Ватан озодлиги йўлида тенгсиз курашлар олиб борган аждодларимиз қўним топган тарихий масканлар ҳақида ҳикоя қилиш эди.

Назаримда, ҳиссизлик кейинги пайтда кенг томир отаётгандек. Яна ким билади. Ҳар ҳолда сафар давомида бу хил ҳиссиз муносабатларга кўп дуч келамиз. Фахр туйғуси камёбдек... Масалан, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги сервиқор тоғлар тизмасида жойлашган Темур ғорига қилинган сафарда бир ҳолдан ғоят таажжубда қолганмиз. Маҳаллий аҳоли ўртасида бу ғор ҳақида эшитгандан кўра эшитмаганлар кўп экан. Эшитганлар эса бориб кўришни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмаган. Қизиқишмаган. Ҳа, энди битта ғор-да. Ахир у шунчаки ғор эмас, буюк соҳибқирон Амир Темур умргузаронлик қилган улуғ ва табаррук қадамжолардан бири. Уни кўрмоқ эмас, тавоф қилмоқ керак.

Фахр туйғусида гап кўп. Шу туйғуга эга бўлган одамгина Ватанни севади, ардоқлайди. Ўтмишни ўрганиб, келажакни ўйлаб яшайди. Дарвоқе, ушбу туркум кўрсатувлар ҳам айни шу фахр туйғуси туфайли юзага келган.

Амир Темур бобомизнинг номини тилга олиш ҳали мумкин бўлмаган бир пайтда қашқадарёлик ижодкор дўстларим Али Ниёз, Холмуҳаммад Ҳасан, Муҳаммад Очил қизиқ масалани ўртага ташлаб қолишди. Ҳозир аниқ эсимда йўқ, қайси бири айтгани, лекин шундай деганди: «Дўстим, бобомизнинг кечмиши ва тарихий ўрни ҳақидаги ёлғон маълумотларга тўйиб бўлдик. Келинг, узоққа бормай, халққа ўзимизда мавжуд манбалар хусусида ҳикоя қилайлик, Темур бобомиз номи билан боғлиқ жойлар тўғрисида сўзлайлик. Яккабоғда шундай бир ғор бор, унинг тарихини ўрганадиган бўлсак, ғаройиб маълумотларга эга бўлишимиз мумкин...»

Бу гап дард ва фахр билан айтилганди. Кейин эса ҳаракатга эврилди. Натижада, Амир Темур ғори ва унга боғлиқ воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи «Асрлардан сўйлар бу тупроқ», «Табаррук қадамжолар» деб номланган туркум кўрсатувлар юзага келди. Жаҳонгир ғори бутун мамлакатга намойиш этилди. Аммо булар шунчаки кўрсатув эмасди, Ватан ва унинг ўтмиши ҳақида қалбда уйғонган ғурур ва муҳаббатнинг амалий ифодаси эди.

Юрган дарё, ўтирган бўйра деганларидек, ҳар галги кўрсатувни суратга олиш чоғида турли ҳолат ва муносабатларга дуч келамиз. Ким учундир бу диёрнинг тоғу тошидан тортиб, ўсимлик дунёсигача азиз ва муқаддас. Ким учундир бу тушунчанинг аҳамияти йўқ. Яқинда Чироқчи туманидаги тоғда жойлашган иккинчи Темур ғорини тасвирга туширишга муяссар бўлдик. Бизга тоғолди қишлоқларидан бири бўлмиш тарағайлик одамлар кўмакка келишди. Улар кўрсатувимиз мавзусига бениҳоя қизиқиб қолдилар. Биз дастлабки дақиқадаёқ бу ерда тоғлар бекадр, арчазорлар, бошқа дов-дарахтлар қаровсиз эмаслигини сездик. Юрт эгали эди. Оддий касб эгалари бўлажак кўрсатувимиздан хабар топиб, ўз масканлари ҳақида бизга фахр билан ҳикоя қилиб беришди.

Афсуски, ҳамма ҳақида ҳам шундай фикр айтолмаймиз. Ғор томон юқорилар эканмиз, тоғ бағрида чамандек бўлиб очилиб ётган гулларни бозорга чиқариб сотиш илинжида юрганларни, арча шохларини тандир кабоб учун аёвсиз синдираётганларини кўрдик. Улар ҳамма нарсани пулга чақишарди. Қизиқ жиҳати бундан уялишмасди ҳам.

Шундай йигитлардан бирига "Шу арчанинг шохи ҳам, шу азиз тупроқнинг оддий майсаси ҳам Ватан" дегандай гап қилдим. Аммо у ҳеч нимани тушунмади.

Ватан тушунчаси она алласидек мурғакликдан қалбга сингдирилиши лозим деб ўйлайман.

Ватанни ардоқлаш сўзда эмас, хатти-ҳаракатимизда, эзгу амалларимизда бўлсин. Ватанни ардоқлаш унинг ҳар қарич ери, ҳар мисқол тупроғи, ҳар битта гиёҳи, тоғу тоши ва ҳаттоки қадим ғори эъзозидан ҳам бошланади.

**Нормурод НОРҚОБИЛОВ,**
**тележурналист**

# «УЙИМИЗДАГИ НУР»

**«ЎзАС», 2006 йил, 13 январ**

*Акс-садо*

Қишлоқ ва туманларимиздаги электр ва газ таъминотига доир бу мақолани ўқиб, миннатдор бўлдим. Унда одамлар кўнглидаги гаплар ёзилган. Бу масалада ҳал бўлмай келаётган муаммолар бор. Кўпчилик бирор жойда камчилик сезилса ҳукуматдангина қилишга ўрганиб қолган. Аслида хатолик, лоқайдлик мутасаддиларда бўлади.

Бу масала Қонунчилик палатасида кўтарилгани боис, муаммонинг ҳақиқий айбдорлари кимлар экани аниқ бўлди. Айрим мутасаддилар сувдан қуруқ чиқиб кетишга ҳаракат қилишганига нима дейсиз! Депутат Ф.Ҳотамовга раҳмат. Бор ҳақиқатни рўй-рост айтибди. Шунинг учун лоқайд ишбошиларга нисбатан талабчан бўлишимиз, арқонни жудаям узун ташлаб қўймаслигимиз керак экан.

Бир раҳбар электрни маълум жадвалга асосан вақти-вақти билан ўчириб туришганига ишонмабди. Марҳамат қилиб Учкўприкда чиқадиган «Янги Фарғона» газетасига бир кўз ташланг. Учкўприк ва унга қўшни Бувайда туманида электрни ўчириб-ёқиш жадвали эълон қилинган. Қишлоқларга бир кеча-кундузда 11-12 соат электр берилиб, қолган пайтлар ўчириб қўйилади. Газетада эълон қилинган жадвал бўйича шундай.

Қишлоқ аҳли учун электр бениҳоя муҳим. Электр бўлса телевизор кўриб, дунёдан хабардор бўлиб туришади.

Шаҳарга борсанг электр энергияси ҳаддан ташқари исроф қилинаётганини кўриб ранжийсан. Боғлар, клублар, ресторану концерт заллари, ранг-баранг рекламалар, ерда чироқ, кўкда чироқ, сувда чироқ... Қишлоқларда эса...

«Уйимиздаги нур» мақоласини ўқиб, муаммолар бартараф этилишига умид боғладим.

**Инобат МАВЛОНОВА**
*Учкўприк.*

*Доимий ҳамроҳ*

Шарқ фалсафаси, унинг тармоқлари бўлган тавҳид, калом, тафсир, ҳадис, руҳий ва табиий фанлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиб, дин ва фан бир-бирига ҳамкор эканлигини далиллаб берган улуғ файласуф Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий асарлари асрлар мобайнида жаҳон илм аҳлининг эътиборини жалб этиб келган.

Имом Муҳаммад Ғаззолийнинг номи ва асарлари собиқ шўролар даврида таъқиқланиб келинди. Айрим китобларда қисман тилга олинса-да, «реакцион файласуф», дея қораланди. Истиқлол шарофати билан бу буюк алломанинг ижодий мероси ўрганилаётир, асарлари чоп этилаётир.



Яқинда «Адолат» нашриётида Имом Ғаззолийнинг «Кимиёи саодат (Руҳ ҳақиқати)» асари нашр қилинди. Китобга ёзган мухтасар сўзбошида профессор Н.Комилов таъкидлаганидек, таржимон, ёзувчи ва адабиёт назариётчиси Маҳкам Маҳмудов раҳматли дўсти тарих, адабиёт билимдони Абдуллоҳ Умарзода билан Муҳаммад Ғаззолийнинг «Кимиёи саодат» асарининг тўлиқ матнини илмий асосда нашрга тайёрлаб жуда савоб, хайрли иш қилганлар. «Кимиёи саодат» Шарқ халқларининг бой маданияти ва фалсафасини ўрганишда бебаҳо хазинадир.

Китоб аввалида берилган «Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий ва унинг мероси» мақоласида М.Маҳмудов Имом Ғаззолийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, мутафаккир яшаган даврда юз берган тарихий воқеалар, ҳукмдорлар ҳақида маълумот берган. Нашр сўнгидаги мураккаброқ бўлган тушунча, атама ва ибораларга берилган изоҳ ва шарҳлар китобхоннинг асар матнини тўлиқ тушуниб ўқишига имконият яратади.

Нашрга масъул муҳаррирлар филология фанлари докторлари Н.Комилов, Ҳ.Болтабоев, илмий муҳаррир У.Отажон.

# РАНГИН МИСРАЛАР

## Олим Девона ва Насриддин

Исмат САНАЕВ

Мирзо Олим Девона мирохўр XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, Зарафшон водийсида баракали ижод қилган забардаст шоирлардан биридир. Кўпйиллик изланишлар давомида шоир қаламига мансуб бир маснавий ва қасидани топишга мушарраф бўлдик. Форс тилида ёзилган маснавий 26 байтдан иборат бўлиб, «Маснавии Мирзо Олимжон мирохўр Шаҳрисабзий ба номи Насриддинхон валади Худоёр хони Хўқанди латиф. Мутахаллис ба Девона» деб номланган.

Хўш, Бухоро амирлигида мирохўр бўлган Олим Девонани Қўқон хони Худоёрнинг ўғли Насриддинхон номига маснавий ёзиб, мурожаат қилишга нима даъват этган?

Маълумки, XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона адабиётида муҳим ўзгаришлар юз беради. Қўқон адабий кучлар тўпланган маданий марказга айланади. Бу даврда Саййид Муҳаммад Умархон — Амирийнинг ҳукмронлиги мазкур марказнинг юксалишига асос бўлган. XIX асрда Зарафшон водийси ва Қўқон адабий муҳити ўртасидаги муносабатлар бирмунча шаклланган. Шоирлар бир-бирларидан таъсирланиб ижод қилишган.

Маърифат ҳомийси бўлмиш Қўқон хони Худоёрхон ўзи ҳам шеърлар ёзган, илму ижод аҳлига ҳомийлик қилган. Ўз фарзандлари, хусусан, Насриддинбек ва Фансуруллобекнинг назмда ҳам, насрда ҳам камол топиши учун кенг имкониятлар яратиб берган.

Икки марта тахтдан жудо бўлган Худоёрхон олти йил Бухорода яшайди. Амир Музаффар ҳомийлигида учинчи бор тахтни эгаллагач, валиаҳд тўнғич ўғли Насриддинбекни 15 ёшида Андижон вилоятига ҳоким этиб тайинлайди. У дастлаб исфаралик шоир Мир Худоёрдан сабоқ олади, кейин отасининг кўрсатмасига асосан машҳур шоир Ҳожи Муҳиддин Муҳаммад Ризо охунд ўғли Муҳйидан таълим олади. Насриддинбек Шаҳзода тахаллуси билан ғазаллар битган.

Насриддинбек ўзининг ўн йиллик ҳокимлиги даврида кўп хайрли ишлар қилган: Андижонда муҳташам мадраса ҳамда жоме масжиди бунёд этган, қурилиш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берган.

Маснавий Насриддинхон фаолияти энг авжига чиққан даврда ёзилган. Олим Девона шаҳзода Насриддинхонни улуғлайди. Маснавий ёзилишининг сабабини ҳам сатрлар бағрига сингдириб юборади.

Насриддинхонга нисбатан ҳурмат-эътиқоди баланд бўлган шоир унинг хизматида бўлишни жуда-жуда истайди. Гарчи масофа олис бўлса ҳам хизматга шай. Ўйлаб-ўйлаб қатъий қарорга келган шоир ҳурмат рамзи сифатида қасида битганлигини қуйидагича баён қилган:

**Рангин қасида бағишлаб бу гал,**
**Янги санъатни қўлладим гўзал.**
**Ҳали ҳеч шоир қилмаган буни,**
**Сенинг номингга бахш эттим уни.**
**Қилгандир биров, менда асос йўқ,**
**Илк гул узган фақирман, кўнгил тўқ.**

Қасида — қадимий жанр. Ҳукмдорларга, улуғларга атаб қасида битиш аждодларимиздан қолган анъана.

Худоёрхон тахтни ташлаб Хўжандга кетгач, отаси ўрнини эгаллаган валиаҳд шаҳзода Насриддинбек Қўқон хонлигида уч ой ҳукмфармолик қилади. Муаррих Мирзоолим Мушриф таъбири билан айтганда, «бир неча кўтаҳандиша, нокас, беномуслар жам бўлуб, Насриддинхонга ва хазинаға қасд қилиб» уюштирган фитна туфайли енгилган Насриддинбек Маҳрам қалъасига қочиб жон сақлашга мажбур бўлади.

Янги санъатни қўллаб қасида битган Олим Девона ўзидан олдин бирор шоир ана шу нафис санъат — тақсимни қўллаб Саййид Муҳаммад Насриддинхонга асар бағишлаганидан бехабарлигини — асоси йўқлигини айтади.

Тақсим — шеъриятда қадимдан қўлланган нозик ва мураккаб санъат. Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний бадиъ илмига бағишланган «Бадойиъ ус-санойиъ» асарида изоҳлаганидек: «Тақсим улдурким, бир нечани, хоҳ икки бўлсун, хоҳ ортиқ, зикр этарлар, андин сўнг ул бир нечанинг ҳар бирига анинг учун қайд қилмоқни исталган бир нимани аниқлов йўли билан қўшурлар ва нисбат берурлар».

Ўз фикрига ойдинлик киритиш мақсадида Ҳусайний яна шундай ёзган: «Рашид-и Ватвот дептурким, бу санъат андоқ бўлурким, шоир икки ёки андин ортиқ нимани байтта бўлакларға ажратур ва бўлакларнинг тартибин бир қоидага риоя қилур. Форс шуароси аслида тақсим санъатин андоқ қилурларким, қасида охириға қадар бу санъат сақланур».

Шеърий санъатлардан яна бири тақсими жамдир. Бу хусусда Ҳусайний ёзади: «Жамъ маъа-тақсим улдуркким, бир нечани бир ҳукмда жамъ қилурлар; андин сўнг ул бир нечани тақсим қилурлар, яъни ул бир нечанинг ҳар бириға муайян бир нимани нисбат берурлар».

Мумтоз адабиётимизнинг Навоий, Атоий, Бобур, Огаҳий сингари буюк намояндалари тақсим санъатини қўллаб, умри боқий асарлар яратганлар.

Олим Девона ўзи қўллаган нафис санъат — тақсимни қуйидаги тарзда ифодалаган:

**Ким дониш бўлса, тушунар албат,**
**Тўрт мисрадин таркиб топган ҳар хат.**
**Ул тўрт бўлакнинг ҳар бирин тақсим —**
**Қилгин, деб ақл беради таълим:**
**Иккинчи байтни тенг тўртга бўлсин,**
**Биринчи байтдин қўшилиб тўлсин.**
**Ҳар хатдин яна янги хат бўлар,**
**Аввалу охир ҳам васат бўлар.**

Мураккаб ишга қўлга урган Олим Девона илми бадиъ, илми аруз, илми қофия қоидаларига тўлиқ амал қилган. Тимсол яратишда шоир, салафлари сингари, бир байтнинг икки мисрасида тақсим санъатини қўлламаган. Шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, тўрт мисрадан таркиб топган икки байтни хат деб атаган. Ана шу хат воситасида тақсим санъатига асосланиб қасида битган.

Хатнинг биринчи байтида тенг тўрт бўлакда фикр айтилган ва иккинчи байтнинг тенг тўрт бўлагида муайян белгиларга таянган ҳолда аниқлов йўли билан нисбат берилган. Биринчи байтда тилга олинган белгилар иккинчи байтда ўз хусусиятлари белгисига кўра тақсимланган. Мисралардаги бўлаклардан бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаган. Шоир шеърият қоидаларига риоя этган ҳолда 8 банд(хат)дан иборат қасида охирига қадар тақсим санъатини қўллаб ўз мақсадига эришган.

Аммо шоир бу билан чекланиб қолмаган. Мумтоз бадииятнинг кенг имкониятга эга эканлигидан фойдаланиб унинг ўзига хос қудрати ва малоҳатини маҳорат билан намойиш этган. Ҳар хат таркибидаги икки байтни тенг тўртга бўлган. Иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги биринчи бўлакка биринчи байтнинг биринчи мисрасидаги биринчи бўлакни; иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги иккинчи бўлакка биринчи байтнинг биринчи мисрасидаги иккинчи бўлакни; иккинчи байтнинг иккинчи мисрасидаги биринчи бўлакка биринчи байтнинг иккинчи мисрасидаги биринчи бўлакни; иккинчи бўлакнинг иккинчи мисрасидаги иккинчи бўлакка биринчи байтнинг иккинчи мисрасидаги иккинчи бўлакни қўшишни тавсия этган.

Шоирнинг муваффақияти шундаки, у тақсим санъатига асосланиб яратилган 8 банд(хат)дан иборат гўзал қасида бағрида яна 8 банд(хат)дан иборат янги қасида бунёд бўлиб ўз малоҳатини кўз-кўз қилиб кишига хуш кайфият бағишлайди.

Олим Девона қаламига мансуб нафис тақсим санъатининг кенг имкониятлари юксак истеъдод билан намойиш этилган қасида матбуотда илк бор эълон қилинаётганлиги боис ундан кашф этилган қасидани ҳам таржима қилиб тўлиқ ҳолда берилишини жоиз деб билдик.

---

**Олим ДЕВОНА**

ҚАСИДА (1)

I

*Меҳри шодликни ёр айлар, бахшиш—дурлар нисор айлар,*
*Дониш фаҳмин бисёр айлар, қилур жаҳонни ободон.*
*Бири поклик истовчи зот; иккинчи — соҳибсаховат;*
*Учи табъи хирад авлод; тўртинчи — зўр адлу эҳсон.*

II

*Амал ул илмга қувват, шариат — исломга зийнат,*
*Халқда кўп инсоф, мурувват; бўри оҳун қилур меҳмон:*
*Бири донишга хос аҳвол; иккинчи — мақтовга мос ҳол;*
*Учинчи — қуввати иқбол; тўртинчи — қудрати фармон.*

## Тадқиқот, ахборот

III

*Қўзғолса гар мисли яшин, олур рақибларин бошин,*
*Бузиб саф, тўкар ёв ёшин; тешар кўкракни минг чандон.*
*Бири ул оти сабохез; иккинчи — шамшири хунрез;*
*Учи — найзаи синонтез; тўртинчи — новаки паррон.*

IV

*Ул ибн Синодин афзун, дегил, Афлотундин устун,*
*Искандарга сўзлар қонун; очар тугун, қилса Луқмон.*
*Бириси илму шарафнок; иккинчи — аҳкоми идрок;*
*Учинчи — тадбири даррок; тўртинчи — ҳикмати ирфон.*

V

*Хирож олур Ҳиндистондин, бож ундирур ул хоқондин,*
*Дил олур шоҳи жаҳондин, мустаҳкамлар шаръи аркон.*
*Бири аъмоли огоҳи; иккинчи — олий даргоҳи;*
*Учинчи — сўзлари гоҳи; тўртинчи — ҳужжати бурҳон.*

VI

*Кушод қилғай ҳар мушкулни; зоҳир айлар ҳақ, ботилни,*
*Ғамин қувар ҳар кўнгилни, ранждин халос этгай ҳар он.*
*Бири ул фазлу камоли; иккинчи — ҳукми жалоли;*
*Учинчи — лутфу мақоли; тўртинчиси — шукри Яздон.*

VII

*Ҳомий бўлгай шариатқа, ривож, равнақ тариқатқа,*
*Завол топқай ҳар бидъатқа, сўндирғай оташи исён.*
*Бири ул илм амалдори; иккинчи — тамкин, атвори;*
*Учи тасдиқи гуфтори; тўртинчи — исмати домон.*

VIII

*Равшанлашур чароғи дин, халққа ул зуҳд бўлур ойин,*
*Сайид шаҳзода Насриддин — амири кишвари Турон.*
*Бири тақвою тоатдин; иккинчи — мўл саодатдин;*
*Учи исми сиёдатдин; тўртинчи — сояи Яздон.*

IX

*Ожизлик қилди Девона, уй — бош чиқмас бир ғамхона,*
*Пўстиндин бўлди бегона, қиш пайти қилди саргардон.*
*Бири танда ўттиз захм; иккинчи — совуқ, бераҳм;*
*Учи йўқлик — сўнгсиз захм; тўртинчи — нафси нофармон.*

ҚАСИДА (2)

I

*Бири — поклик истовчи зот, меҳри шодликни ёр айлар,*
*Иккинчи — соҳибсаховат, бахшиш — дурлар нисор айлар.*
*Учи — табъи хирад авлод, дониш фаҳмин бисёр айлар,*
*Тўртинчи — зўр адлу эҳсон қилур жаҳонни ободон.*

II

*Бири донишга хос аҳвол: амал ул илмга қувват.*
*Иккинчи — мақтовга хос ҳол: шариат исломга зийнат.*
*Учинчи қуввати иқбол — халқда кўп инсоф-мурувват,*
*Тўртинчи — қудрати фармон: бўри оҳун қилур меҳмон.*

III

*Бири ул оти сабохез — қўзғолса гар мисли яшин,*
*Иккинчи — шамшири хунрез; олур рақибларин бошин.*
*Учи найзаи синонтез бузиб саф, тўкар ёв ёшин,*
*Тўртинчи — новаки паррон, тешар кўкракни минг чандон.*

IV

*Бириси илму шарафнок, ул Ибн Синодин афзун,*
*Иккинчи аҳкоми идрок, дегил, Афлотундин устун.*
*Учинчи — тадбири даррок, Искандарга сўзлар қонун,*
*Тўртинчи — ҳикмати ирфон, очар тугун, қилса Луқмон.*

V

*Бири аъмоли огоҳи хирож олур Ҳиндистондин,*
*Иккинчи — олий даргоҳи бож ундирур ул хоқондин.*
*Учинчи — сўзлари гоҳи дил олур шоҳи жаҳондин,*
*Тўртинчи ҳужжати бурҳон мустаҳкамлар шаръи аркон.*

VI

*Бири ул фазлу камоли кушод қилғай ҳар мушкулни;*
*Иккинчи — ҳукми жалоли, зоҳир айлар ҳақ, ботилни;*
*Учинчи — лутфу мақоли ғамин қувар ҳар кўнгилни;*
*Тўртинчиси — шукри Яздон ранждин халос этгай ҳар он.*

VII

*Бири ул илм амалдори ҳомий бўлғай шариатқа,*
*Иккинчи — тамкин, атвори ривож, равнақ тариқатқа.*
*Учи тасдиқи гуфтори завол топқай ҳар бидъатқа,*
*Тўртинчи — исмати домон сўндирғай оташи исён.*

VIII

*Бири тақвою тоатдин равшанланур чироғи дин,*
*Иккинчи — мўл саодатдин халққа ул зуҳд бўлур ойин.*
*Учи исми сиёдатдин Сайид шаҳзода Насриддин,*
*Тўртинчи, сояи Яздон — амири кишвари Турон.*

IX

*Бири танда ўттиз захм, ожизлик қилди Девона,*
*Иккинчи — совуқ, бераҳм, уй — бош чиқмас бир ғамхона,*
*Учи йўқлик — сўнгсиз захм, пўстиндин бўлди бегона,*
*Тўртинчи — нафси нофармон қиш пайти қилди саргардон.*

## Ёднома

# ВАТАН СОҒИНЧИ...

Саудия Арабистонидан изтиробли хабар келди: ватандошимиз, киндик қони Андижонда тўкилган шоир Комил Абдулло Андижоний — Тошқин Тоиф шаҳрида вафот қилибди.

Комил Абдулло Тошқин 1928 йили Андижоннинг собиқ «Чуқур масжид» маҳалласида майда савдогар-дўкондор оиласида дунёга келган. Оталари Абдуллажон ака савдо ишлари билан Кошғарга қатнаб турар эди. Советларнинг машъум қулоқлаштириш сиёсати туфайли кўпгина мулкдорлар қатори Абдуллажон ҳам ушбу сиёсатга норозилик маъносида ватанни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди — 1932 йили 4-5 яшар ўғли Комилжон билан яширинча Кошғарга ўтиб кетди...



Университетнинг биринчи курсини битирган ёш Комилжон ота-онаси ва бошқа ҳамшаҳарлари билан 1947 йили янгигина ташкил топган Покистонга кўчиб ўтди. Аммо бу ерлар ҳам ўша йиллари сиёсий жиҳатдан нотинч эди. Улар Равалпинди шаҳрида вақтинча истиқомат қилиб, Саудия Арабистонига кетдилар. Дарбадарлик, саргардонлик билан ўтган бир неча йилдан сўнг Тоиф шаҳрида муқим ўрнашиб қолдилар. Комилжон бу ерда тиш техниги мутахассислигини эгаллаб, умрбод шу касб билан шуғулланди.

Комилжон болалигидан Навоий, Фузулий, Саъдий, Ҳофизларни кўп ўқиган ва мактаб ёшиданоқ Фурқат, Муқимий, Завқийга эргашиб (аввалига уйғур тилида) ғазаллар ёза бошлаган. Ғазалларидан намуналар Урумчининг маҳаллий матбуотида босилган ҳам. Маккада истиқомат қилувчи яна бир ватандошимиз Сафохон Марғилоний ва Мўминжон Андижонийнинг айтишларича(улар Кошғарда бирга эдилар), Комилжон ғазалларидан таъсирланишиб унга «Тошқин» тахаллусини таклиф этишган.

Тошқин ғазалларида айрилиқ дарди, Ватан фироқи уфуриб туради. У Фузулийнинг «Ўландан сўр» радифли ғазалига назира қилиб ёзади:

**Ватан қадрини биздек бeватан**
**афкор ўландан сўр,**
**Азоби ғурбат ичра жонидин**
**безор ўландан сўр.**

**Бузиб ўз ошёнин, ёндириб**
**нори жаҳолат-ла,**
***Бизингдек дарбадар, ҳар жойга борса —***
**хор ўландан сўр.**

Ватанимиз истиқлолга эришгач, Комил Тошқин 59 йил ҳижрон азобини тортиб, ниҳоят, 1991 йил 25 август куни бир гуруҳ ватандошлар билан мустақиллик байрамига етиб келди. (Бу ҳақда қаранг: «ЎзАС», 1991, 21 ноябр сони.) У Андижондаги ўзи туғилиб, беш йиллик гўдаклиги ўтган ҳовлисида кўз ёши тўкиб ушбу матлаъ билан бошланадиган ғазалини ёзди:

**Кўрмак, эй юртим сени душвор**
**ўлурму мунча ҳам,**
**Талпиниб дардлик юраклар зор**
**ўлурму мунча ҳам.**

**Чашми муштоқим ҳамиша**
**ёш тўкиб ҳажринг аро,**
**Жисм ила жоним яна бемор**
**ўлурму мунча ҳам...**

Камина муаррих бўлганим сабаб муҳожирот тарихини яратиш мақсадида 1994—1997 йиллари Саудия Арабистонига бир неча марта бориб, Комил Тошқин билан дўстлашиб кетдик. Ҳар сафар борганимда Тоифдан Маккага дарҳол етиб келар ва кўп шаҳарларда бирга бўлиб ватандошлар билан учрашувлар ташкил қилиб берарди. Шоирнинг ғазаллар тўпламини араб имлосидан ағдариб Тошкентда чоп эттирдик. (Қаранг: Тошқин — Комил Абдулло, Ватан ишқида. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Сайфиддин Жалилов, «Ёзувчи», 1997.)

Шоир Ватанга бир неча бор келди. Ҳар гал Тошкентда ҳам бўлиб айрим қаламкашлар билан учрашиб кетарди. У сўнгги марта 2002 йили келди, бироқ соғлиғи туфайли деярли Андижондан чиқмади.

1997 йили уч ой муддатга Саудия Арабистонига борганимда Комилжон Тошқин каминани Жидда аэропортида кузатаётиб:

— Сайфиддин домла, ушбу тўртликни менинг ёдим учун сақлаб юринг, асли туркчада ёзилган эди, — деб жилмайди-да, қўлимга букланган қоғоз тутқазди. Самолётга ўтириб букланган қоғозни очсам, ушбу тўртлик битилган экан:

**Ғурбатда агар етса ўлим гул баданимга,**
**Қабримни қазиб нашими солса кафанимга,**
**Тобутими юксак ера бир лаҳза қўйинглар,**
**Шояд йетишур бўйи Ватан у жасадимга.**

Тўртликни ўқидим-у, беихтиёр кўзимга ёш келди. Бундан кейинги учрашганларимизда шеър муаллифи ким, деб сўрашга ҳеч ботинолмадим. Ишончим комилки, буни Тошқиннинг ўзи ёзган-у, аммо камтарлик қилиб айтмаган.

Шундай шоирнинг ғурбатда ғариб бўлиб жон таслим этиш олдидан фарзандларига тобутини бир лаҳза баландроқ жойга қўйишни васият қилганига ҳам ишонаман. Шоядки, шаббода Ватан бўйини жасадига етказган бўлса! Чунки шоир умр бўйи Ватан доғида яшади-да. Қадрдон ватандошимиз, менинг эса дўстим Комил Андижоний Тошқиннинг, Илоҳим, охиратларини обод қилгайсан.

**Сайфиддин ЖАЛИЛОВ**

## Раъно Узоқованинг 90 йиллиги

# ЁЗДИ ВИСОЛ ҚЎШИҚЛАРИН...

Адабиётимизнинг қутлуғ даргоҳига Ойдин, Зулфия каби кириб келган Раъно Узоқова 1916 йили Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманига қарашли Оққўрғон қишлоғида камбағал оилада туғилди. Қисмат уни гўдаклигидаёқ қисди: уч яшарлигида ота-онадан етим қолди. Аммо етимлигини сездирмадилар. Термиз темир йўли ишчиси Марям Бадриддинова етим қизни ўз тарбиясига олди. 8 ёшга киргач Раънони ўқишга — интернатга берди. Балки, ўша кунларни эслаганидандир, у кейинроқ «Ўз ўтмишимга ўхшатма» деган бир шеър ёзди:

**Изғирин шамоллар ҳар ён елади,**
**Кўзларни очирмас аччиқ қорбўрон.**
**Бир аянч инграниш саси келади,**
**Қайси бир бечора кўкси бўлмиш қон.**

**Бир бузуқ дарвоза ёнида, эй воҳ,**
**Жулдурлар ичига ўралган бола.**
**Ҳазин товуш билан инграйди ҳар дам,**
**Совуқдан қизарган юзлари лола.**

**Оппоқ қор устида от туёқлари,**
**Ғарчиллаб ул томон яқинлашарди.**
**Боланинг кичкина қўл-оёқлари,**
**Қалтираб, фарёди кўкдан ошарди.**

**Бу отлиқ шаҳарнинг соқчиси эди,**
**Яқинлаб келди-да, тўхтади шунда.**
**Меҳрибон юз билан:**
**— Кел, олай! — деди,**
**Бағрига босди-да, кетди бир зумда.**

**Интернат эшиги очилиб шунда,**
**Олдилар соқчининг қўлидан қизни.**
**Кийгизиб Анорга озода либос,**
**Севдилар эркалаб қоп-қора кўзни!..**

Раъно интернатда яхши ўқиди. Кейин 1927 йилдан 1931 йилгача Термиз таълим-тарбия техникумида таълим олди.

Техникумни муваффақиятли тамомлаган Раъно етти-саккиз йил ўқитувчилик қилди. Аммо унинг юрагида бир жўшқин меҳр, жўшқин ҳиссиёт бор эди. Бу кечаю кундуз ёш қалбга ором бермас, уни тўлқинлантирар, қанот бериб самоларга олиб чиққиси келарди. Бу дамлар — бахти кулган қизнинг балоғат давридаги романтик ҳиссиётларга тўлиб-тошган эҳтиросли дамлари эди: гул ҳам, майса ҳам кўзига сўлим, гўзал кўринарди:

**Садоқатни мерос билган,**
**Жонлар лабидан.**
**Аҳди аниқ, кўзи ёниқ,**
**Ёрлар қалбидан.**
**Ёздим висол қўшиқларин,**
**Олтин баҳорда.**
**Ҳаётимиз мадҳин айтдим,**
**Шу ниҳол торда!**

Раъно Узоқова ўз касбини ғоят севишидан ташқари, фаол жамоатчи ҳам бўлган. 1942 йили ўзбек халқи номидан қаҳрамон Ленинград мудофаачиларига Биринчи май совғаси олиб борган вакиллар орасида у ҳам бор эди. Тиш-тирноғигача қуролланиб олган манфур ёв билан ватандошларининг юзма-юз олишаётгани шоиранинг мавзулар доирасини тамомила ўзгартириб юборди...

Раъно Узоқова ғайрат-эҳтиросга тўлган бир ёшда — 31 ёшида юрак касали билан Самарқанд шаҳрида вафот этди. Шоира Раъно Узоқовадан бизга тўрт мажмуа етиб келган. Улардан бирини шоиранинг ўзи тузиб, нашр этишга муваффақ бўлган. Кейингилари дўстлари, аниқроғи, Зулфия, Д.Файзий, Н.Нарзуллаев ва ушбу сатрлар муаллифи ташаббуси билан нашр қилинган.

Раъно Узоқованинг кўпгина дилбар сатрлари бадиий жиҳатдан анча пишиқ. Шоира мазмунга хос шакл, оригинал ташбеҳлар, қофиялар топади:

**Кўзларимда уйқу йўқ менинг,**
**Кўзларингга боққандан бери.**
**Кўкрагимга тушган чўғ менинг,**
**Сен бир нигоҳ отгандан бери.**

Шоира халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланганi учун халқона сатрлар битади:

**Ғанимларга вабо бўлиб бор,**
**Эл дардига даво бўлиб бор!**
**Ажал тортиб келган фашистга,**
**Бу бепоён дунё бўлсин тор.**

Шоира орамизда бўлганида яқинда 90 ёшга кирар эди. Тўйда унинг қанча-дан-қанча янги қўшиқлари янграши аниқ эди. Фақат бир юпанч — шоира жисман орамиздан кетган бўлса ҳам, шеърлари орқали руҳан барҳаёт.

**Тоштемир ТУРДИЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

## Тадқиқот, ахборот

# «ФОЗИЛУ КОМИЛГА ЎЛТИРГИЛ ЯҚИН»

XV аср охири XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Пошшохожа бин Абдулваҳҳобхожа ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакилларидан бири. Бизгача унинг «Мифтоҳ ул-адл», «Гулзор», «Мақсад ул-атвор» номли асарлари ҳамда бир қанча ғазал ва шеърлари етиб келган.

Пошшохожа «Мақсад ул-атвор» асарида дилбанди Абдусаломга насиҳат бобида одоб-ахлоқ ҳақида фикр юритиб, ёшлар ҳақиқий бахт-саодатга эришишлари учун ақлий камолотга интилиб, ўзларида маънавий комиллик фазилатларни тарбиялашга ҳаракат қилишлари лозимлигини уқтиради. Улар, аввало, илмга интилишлари, оқилу фозилларга ёндашмоқлари керак, дейди адиб:

**Илм ўқиб хайри салоҳ истагил,**
**Сидқ ила ҳар шому сабоқ истагил.**
**Оқилу доно бўлгил ҳамнишин,**
**Фозилу комилга ўлтиргил яқин.**

Пошшохожа илм эгаллашнинг зарурлиги ҳақида гапириб, илм ўрганган сари инсоннинг кўз ўнгида олам сирлари очилиб бораверади, деб таъкидлайди. Бу эса, уни камолот сари етаклайди, инсонни зийнатлайдиган фазилат сифатида инсон қадр-қимматини таъмин этади, уни хор-зорликдан асрайди, ҳирсу нафсдан қайтаради.

Форобий, Беруний, Ибн Сино, Навоий сингари Шарқнинг буюк мутафаккирлари эзгулик деганда, энг аввало, илм эгаллашни тушунганлар. Жумладан, Форобий шундай ёзган: «...ҳар кимки илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, жамики моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин». Форобий каби Пошшохожа ҳам толиби илмлар, олимларнинг кишилик жамиятидаги ўрни ҳақида фикр юритиб, фикрларини изоҳлаш учун ривоятлардан, ҳадислардан далилларни асос сифатида келтиради. Улардан бирида айтилишича, қиёмат куни учмоҳ(жаннат)га биринчи бўлиб кириш учун шаҳидлар, ҳожилар, зоҳидлар ва олимлар баҳслашиб қолишади. Шунда ҳожиларнинг ҳажини, зоҳидларнинг зуҳдини тарозининг бир палласига ва шаҳидлар қонини иккинчи палласига қўйиб тортганларида шаҳидлар қони оғирлик қилади. Сўнгра олимларнинг қалами учидан томган сиёҳ(мидод)ни тарозининг иккинчи палласига қўйиб ўлчаганда, олимларнинг мидоди(сиёҳи) оғирлик қилиб, улар барчадан олдин учмоҳга ўтадилар. Ўртадаги халойиқ олимларнинг этакларидан тутиб: «Бизлар сизларга ул дунёда от, сарпой, ош, нон берганлар турурмиз, яхшилик қилганлар турурмиз», дейдилар. Олимлар Оллоҳга сажда қилиб: «Буларнинг тарбияти сабабли биз илмли бўлдик, энди бизларни айирма», дея илтижо этишади. Шунда: «Бу халойиқнинг ёзуқларин бағишладим, бу дунёда сизларга яхшилик қилғонлари учун», дея нидо келади.

Пошшохожа ушбу ривоятни келтириш орқали кишиларни билим олишга ундаб, жамият, халқ, юрт тинчлиги, раиат осойишталигини таъминлаш учун билимнинг нақадар зарурлигини уқтиради. Аммо илмга осонликча эришиб бўлмаслигини, бунинг учун киши ҳаловатдан кечиб, шаҳарма-шаҳар кезиб таҳсил олиши, ақл-заковатини, фикр-ўйларини, борлиқ-вужудини илм йўлда сафарбар этиб, кунт-матонат, сабр-тоқат билан ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Шоир фикрича, илм фақат ўзгаларга фойда ва яхшилик келтирсагина, унда бошқалар ҳам манфаат олсагина ҳақиқий билимдир. Чин олим, чинакам билим соҳиби эзгулик йўлида хизмат қилиши ҳамда ўз илмига ўзи амал қилиши лозим.

Пошшохожа таълим-тарбия мавзуида ўзидан олдин ўтган мутафаккирлар, айниқса, Алишер Навоийнинг анъаналарини давом эттирди, ёш авлодни тарбиялашда, уларнинг касб-ҳунарга меҳр қўйишларида, ахлоқий фазилатларни эгаллашларида илм-фаннинг беқиёс аҳамиятини тарғиб этди. Адибнинг баркамол ва комил инсонни тарбиялашга оид асарлари бугунги кунда ёшлар тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутади.

**Сирож ҒОЗИЕВ,**
**Жиззах Давлат педагогика институти доценти**

## Журналларни варақлаганда...

### «Гулистон», 2006 йил, 2-сон.




Журналнинг ушбу сони Насриддин Муҳаммадиевнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Нахшаб — Насаф — Қарши» сарлавҳали мақоласи билан очилади. Унда муаллиф кўҳна шаҳар номи билан боғлиқ қадимги манбалардаги маълумотлар, Қашқадарё воҳасида яшаган алломалар ҳақида ҳикоя қилади.

«Таълим ва ислоҳот», «Тарих — улуғ мураббий», «Олам ва одам» рукнларида долзарб мавзулардаги мақолаларни ўқийсиз. Таниқли адиб Шукур Холмирзаев қаламига мансуб «Ёзувчиликнинг мактаби йўқ» сарлавҳали адабий ўйларида бадиий асарнинг дунёга келиши, ёзилиш жараёнлари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Таниқли шоир Азим Суюннинг «Ғурур ёки Соҳибқирон ҳайкаллари пойида» деб номланган янги туркуми Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган.

Булардан ташқари, журналда санъатимиз, матбаачилигимиз фидойилари ҳақидаги, узоқ ва яқин тарихимизнинг муҳим жиҳатлари қаламга олинган материаллар билан танишасиз. Журнал қошида очилган «Таржимонлар клуби»га доир маълумотдан хабардор бўласиз ва хорижлик айрим шоирлар шеърларининг таржимасини ўқийсиз.

### «Ёшлик», 2006 йил, 2-сон.



«Ёшлик»нинг навбатдаги сони таниқли шоир Йўлдош Эшбекнинг туркум шеърлари билан очилади. Ҳассос шоирнинг Бахт, Муҳаббат, Ҳаёт ҳақидаги жозибали сатрлари шеърсевар ўқувчиларга энг яхши кўклам ҳадяси бўлган, десак янглишмаймиз.

«Инжа туйғулар жилоси» сарлавҳали адабий-танқидий мақоласида мунаққид Қозоқбой Йўлдош бугунги ўзбек шеърияти, чунончи, истеъдодли шоир Фахриёр ижоди ҳақида атрофлича фикр юритади. Журналда, шунингдек, Фахриёрнинг янги шеърлари ҳам берилган.

Ёзувчи Исмоил Шомуродовнинг «Дардманд дунё» номли романининг биринчи қисми билан муштарийлар «Ёшлик»нинг аввалги сонида танишишган эди. Навбатдаги сонида ушбу қизиқарли асарнинг давоми ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган.

Ушбу сонда сиз Жовли Хушбоқнинг «Кўнгил», Асрор Низомовнинг «Тўлабосди» номли ҳикоялари билан, шунингдек, шоиралар Меҳринисо, Севара, Озода Бекмуродова, Гули Нигор Авазованинг шеърлари билан танишасиз. Булардан ташқари, ижтимоий, бадиий мавзудаги мақолалар, рассом ҳазиллари, латифалар ҳам журналнинг 2-сонидан жой олган.

### «Ўзбек тили ва адабиёти», 2006 йил, 1-сон



Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 565 йиллиги муносабати билан журналнинг ушбу сонида бир туркум янги тадқиқотлар эълон қилинган. Адабиётшунослардан И.Ҳаққулнинг «Навоий шеъриятида фано талқини», Д.Салоҳийнинг «Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабий услублар ҳақидаги қарашлари», Қодиржон Эргашевнинг «Навоий насрида композицион инверсия» ва Нодир Рамазоновнинг «Алишер Навоийда «таҳрирни таҳрир» мақолалари улуғ шоир ижодиётини ўрганиш йўлидаги самарали натижалардан. Шунингдек, сиз Навоийнинг илк устозлари ҳақида (А.Абдуллаев), шоир шеъриятида Суруш образи (Т.Хўжаев), поэтик тасвирида либос ва ранг уйғунлиги (С.Ўтанова), Аваз ижодида Навоий анъаналари (М.Йўлдошева) сингари навоийшуносликнинг турли-туман мавзуларига бағишланган мақолалар билан танишасиз.

Ўзбек тилшунослигининг забардаст вакили Собиржон Иброҳимовнинг илмий фаолиятига бағишланган Э.Бегматовнинг тадқиқоти ҳамда А.Нурмонов ва Ш.Шаҳобиддинованинг гап бўлаклари категориясига доир, И.Азимовнинг қўшма гап қисмларининг боғланиш усуллари таҳлилига бағишланган мақолалари ҳам журналнинг мазкур сонида берилган.

М.Жўраевнинг «Грифон ёки қанотли ит образининг тарихий асослари» мақоласида Ўрта Осиё халқларининг қадимги мифологиясида қанотли ҳайвонларнинг афсонавий образи батафсил таҳлил этилган. Шунингдек, сиз «Илмий ахборот» рукнида халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиётимиз жанрлари ва тилшуносликнинг долзарб мавзуларидаги янги тадқиқотлар билан танишасиз, «Олтин ўрик» асарининг давомини, таниқли адабиётшунос ва тилшунос олимлар ҳақидаги дил сўзларини ўқийсиз.

